



INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

TEACHING FOREIGN LANGUAGES

TSUL ICON FLT



TASHKENT 2021



International Conference on Teaching Foreign Languages

TSUL iCON – FLT

30/04/2021

THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

An international scientific and practical online conference on the topic

**TSUL INTERNATIONAL CONFERENCE ON
TEACHING FOREIGN LANGUAGES
(TSUL ICON - FLT)**

Foreign languages department

Tashkent – 2021



ДИНИЙ МАТНЛАРДА ИЛЛОКУТИВ АКТНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Юсупова Шаҳзода Тоҳиржон қизи
Фарғона давлат университети, ф.ф.ф.д.(PhD)
Фарғона, Ўзбекистон
abdurahimova_shahzoda@mail.ru

DOI 10.5281/zenodo.4963456

Аннотация: Лингвопрагматика нутқ актлари назарияси; сўзлаш мақсади ва нутқ актлари турлари; сухбат олиб бориш қоидалари; нутқий этикетнинг аҳамиятли томонлари; мавхумлаштирилган фикр, қочириқ, кўчирма нутқий актлар; дискурс масалаларини тадқиқ этади (Турдиева, 2020: 41). Нутқий актлар назарияси лингвопрагматиканинг етакчи масалаларидан бири саналиб, ушбу бобда нутқий актларни диний матнлар мисолида ўрганишга эътибор қаратилади.

Калим сўзлар: Лингвопрагматика, нутқий актлар, нутқининг лисоний хусусият, суперсегментал бирлик.

Тилшунослар томонидан XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб нутқни актларга бўлиб ўрганиш таклиф қилинди ва бу орқали нутқининг лисоний хусусиятларини кенгроқ кўламда ўрганиш имконияти пайдо бўлди: “Нутқий актлар нутқ жараёнига алоқадор бўлиб, у нутқий фаолият натижасида юзага келади. Нутқий актлар мулоқот жараёнида сегментал ва суперсегментал бирликлар ёрдамида талаффуз қилиниб, улар гап, нутқ, матн каби бирликлар таркибида воқеланади. Нутқий актлар, асосан, интонация, гап ва матн орқали юзага чиқади” (Ҳакимов, 2020: 36).

Лингвопрагматикада нутқий актлар муаммоси Дж.Остин (Austin, 1975; Остин, 1986), Дж.Серль (Searle, 1975; Searle, 1979, Searle and Vanderveken, 1985), А.Бурхардт (Burkhardt, 1990: аслида ушбу муаллиф нутқий актларни ёқламаган), Ф.Дорж (Doerge, 2006), Н.Арутюнова (Арутюнова, 1976), А.Дорошенко (Дорошенко, 1989), Г.Матвеева (Матвеева Г., Ленец А.,

Петрова, 2014), М.Ҳакимов каби тилшунослар томонидан тадқиқ этилган. Гарчи Дж.Остин ва Дж.Серль назарияларида социолингвистик таҳлил кўзда тутилмаган бўлса ҳам, улар тилнинг ижтимоий табиати билан боғлиқ масалаларнинг лингвопрагматика объекти сифатида ўрганилишига асос бўлди.

Нутқий актнинг таркибий қисмлари сифатида Дж. Остин уч компонентни: локутив акт (сўзлаш акти), иллокутив акт (сўзловчи нияти акти) ва перлокутив акт (нутқий таъсир этиш акти)ни келтириб ўтади (Остин, 1986: 93). Дж.Серль ва М.Ҳакимовлар эса тўртинчи таркибий қисм – пропозиционал акт ҳам мавжуд эканлигини эътироф этадилар (Ҳакимов, 2020: 36). Бу компонентларнинг барчаси бир вақтда рўёбга чиқиб, бир нутқнинг турли жиҳатларини ифода этади. Локутив акт талаффуз акти ҳисобланиб, нутқни тўғри талаффуз этиш ушбу актнинг асосини ташкил этади. Диний матнлардаги сўзларнинг араб тилидагидек талаффуз қилиниши шартлиги локутив актнинг намоён бўлишига мисолдир. Бунда оддий сўзловчи ўз тили талаффуз меъёрларига асосан сўзлаб, локутив акт талабларини бузса, диний уламолар локутив актнинг рўёбга чиқишига эътиборли бўладилар.

Иллокутив акт сўзловчининг нутқни яратишдан, лисоний воситаларни қўллашдан мақсадини, ниятини ифодалаш вазифасини бажаради. Пропозиционал акт нутқ таркибидаги фикр, унинг мазмун - моҳиятидир. Перлокутив акт эса лисоний воситалар ёрдамида таъсир этиш акти саналади ва бу акт орқали тингловчининг ҳис- туйгуларига, ўй-фикрларига, ҳаракатига маълум маънода таъсир этиш кўзда тутилади.

Ҳар қандай нутқни сўзлашдан маълум мақсад, ният кўзда тутилади. Сўзловчи ўз ниятини лисоний воситалар орқали очиқ ёки яширин тарзда ифода қиласи. Бунда нутқий актларнинг компоненти саналган иллокутив акт юзага чиқади.

Ф.Дорж иллокутив актни “Остин акти” деб номлайди, чунки Дж.Остин бу актга ном бермаган, бу ном кейинчалик қўйилганини изоҳлади (Дорж: www.researchgate.net). Дж.Остин асосан иллокутив акт устида ишлаган, ўз тадқиқотларида иллокутив актни локутив ва перлокутив актлардан фарқлашга интилган. Дж.Остин назариясига кўра, “Туз борми?” деб савол берилганда, локутив акт сифатида сўроқ гап тушунилса, иллокутив акт “тузни узатиб юборинг”, деган маъно ёхуд сўровни англатади. Демак, иллокутив акт орқали бирор фикр билдириш ёхуд лисоний воситаларни қўллашдан кўзда тутилган мақсад, мазмун англашилади.

Иллокутив актнинг ўзи ҳам бир неча қисмлардан ташкил топгани эътироф этилади. Дж.Серль иллокутив актнинг компонентлари сифатида репрезентатив (ассертив) акт, директив акт, комиссив акт, экспрессив акт ва декларатив актларни келтиради.

Иллокутив акт таркибий қисмларидан директив акт диний нутқ, диний матнларда кенг учрайди. Бунда буйруқ, топшириқ, кўрсатма бериш орқали ундаш акти – директив акт намоён бўлади.

“Директив актрларда ҳам бошқа нутқий актлар сингари сўзловчининг коммуникатив мақсади борлиқ – сўз муносабатига асосланган ҳолда сўзлашувчиларнинг психологик ҳолатига боғлиқ тарзда хоҳиш, истак каби параметрлар асосида ифодаланади” (Ҳакимов, 2020: 89).

Қуръони карим муқаддас диний матн сифатида ҳукм, буйруқларни ҳам ўзида жамлайди: *Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг* (*Моида сураси, 2-оят*). Ушбу мисолда директив акт орқали инсонларни тарбиялаш, яхшиликка чорлаш, ёмонликдан қайтариш мақсади кўзда тутилган. Демак, диний матнларда инсонларни тарбиялаш, одоб-ахлоқ ўргатиш, ёмон амаллардан қайтариш мақсади директив актнинг юзага чиқишини таъминлайди. Чунки Пайғамбаримиз алайҳиссалом таъкидлаганларидек, “дин бу – ҳусни хулқдир”.

“Одоб масаласини инсоният тарихида илк бор Исломгина тўлақонли равища бошлаган, унга катта аҳамият берган. Исломда инсон ҳаётидаги ҳар бир нарсанинг ўз одоби бор. Қуръон карим ва суннати мutoҳҳарада ҳамма нарсанинг муомаласидаги одоблар кенг баён қилинган. Ислом таълимотининг асосини ҳам одоб ташкил қиласди”. (IslamInstitut.uz/8381) Демак, диний матнларда, энг аввало инсонларни тарбиялаш, яхшиликка буориш назарда тутилишини эътиборга олсак, бундай нутқда Қуръондан иқтибос келтирилиши, ҳадисларнинг қўлланилиши, ривоятлар берилиши иллокутив актнинг ифодаланиши учун хизмат қиласди. Диний матнларда кўп ҳолларда Қуръони каримдан ёки ҳадислардан иқтибос келтирилиши орқали фикрни далиллаш, исботлаш билан бир қаторда бу далиллар орқали ўқувчини тарбиялаш ҳам мақсад қилинади.

Ҳадислар баёни орқали ҳам дидактик функция кўзда тутилади, чунки суннатга мувофиқ иш тутиш, Пайғамбарнинг ахлоқини ўзлаштириш ислом динининг асосий тамойилларидан биридир. Кундалик турмушга оид директив актларга ҳадислардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин: ...Яна бир ҳадисда *Rасулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам*: “Эй Абу Зарр, агар шўрва пииширсанг, унинг сувини кўпайтириб, қўшиниларингдан ҳам хабар олгин”, дедилар... [“Яхши қўшни бўлоламизми?” Зиёуддин Аймуҳаммедов // “Хидоят” журнали. 2019 йил. 3-сон. 28- бет]; *Rасулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)*: “Ховли ва уй-жойларингизни озода тутинглар”, деб буюрганлар (Ином Термизий ривояти).[“Хидоят” журнали, 2018 йил. 8-сон. 15-бет]

Келтирилган мисолларда *хабар олгин, озода тутинглар* феъллари буйруқ-истак майли шаклида берилган бўлиб, директив акт локутив воситалар ёрдамида аниқ намоён бўлади.

Лекин директив акт доим ҳам буйруқ-истак майлидаги феъл орқали ифодаланмаслиги мумкин. Феълнинг хабар майли орқали ҳам директив акт юзага чиқиши, ундаш маъноси англашилиши мумкин: *Қуёши балқиган ҳар бир кунда икки киши ўртасини адолат билан ислоҳ этишинг эҳсондир; Сахийлик*

бир дарахтдир, унинг томирлари жаннатда, шохлари эса дунёга тушгандир. Ким унинг бир шохига осилса, уни жаннатга олиб боради...; Табассум билан айтилган чиройли сўз садақадир; Ҳақиқий мусулмон бу мусулмонлар унинг тили ва қўлидан омонда бўлишиларидир; Банда модомики биродари ҳожатини раво қиласр экан, Аллоҳ таоло унинг ҳожатини осон қилишида давом этади.

Пайғамбар (с.а.в.)дан келтирилган юқоридаги ҳадисларнинг барчаси инсонларда сахийлик, эҳсон, тили ва қўли билан бировларга озор бермаслик, чиройли сўзлаш, бошқаларга қўлдан келганча яхшилик қилиш каби амалларни бажаришга ундаш орқали олижаноб хислатларни шакллантириш мақсадига хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Арутюнова Н. Предложение и его смысл. –М., 1976.
2. Дорошенко А. Побудительные речевые акты в косвенных контекстах. В кн.: Логический анализ языка. –М., 1989.
3. Матвеева Г., Ленец А., Петрова Е. Основы прагмалингвистики. – М., 2014.
4. Остин Дж. Слово как действие//НЗЛ. Вып. XVII. -М., 1986.
5. Турдиева Ҳ. Нутқий этикет бирликларининг лингвопрагматик тадқиқи. Филол.фан.фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. –Тошкент, 2020.
6. Ҳакимов М. Нутқий актлар назарияси. -Фарғона, 2020.
7. Austin J. How to do things with words. Oxford: Oxford University Press. 1975 (1962).ISBN 0-19-281-205-X.
8. Burkhardt A. Speech acts, meaning and intentions: Critical approaches to the philosophy of John R.Searle. Berlin/New York. 1990. ISBN 0-89925-357-1.
9. Doerge, Friedrich Christoph. Illocutionary Acts – Austin's Account and What Searle Made Out of It. Tuebingen 2006.
10. Doerge F.Ch. Illocutionary acts//https://www.researchgate.net/publication/260135269_Illocutionary_Acts.



11. Searle John R. *Speech acts*. Cambridge University Press, 1969. ISBN 0-521-07184-4.
12. Searle John R. A taxonomy of illocutionary acts. In: Gunderson K. *Language, mind and knowledge*. Minneapolis, vol.7.1975.
13. Searle John R. *Expression and meaning*. Cambridge University Press, 1979. ISBN 0-521-22901-4.
14. Searle John R. and Vanderveken D. *Foundations of illocutionary logic*. Cambridge University Press, 1985. 0-521-26324-7.
15. Yusupova Sh. Religious speech and phonetic interference// “Academicia” An International Multidisciplinary Research Journal, Volume 10, Issue 6, June 2020, –India. –P.679-683.
16. Islaminstitut.uz/8381.